

Фарзанд тарбиясида ота-она масъулияти

Мамлакатимизда истиқлол йилларида оиланинг ижтимоий ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ва кафолатловчи кўплаб муҳим Қонун ва қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасида болаларни тарбиялаш ва камол топтириш мажбурияти оила кодексига мувофиқ уларнинг ота-оналари зиммасига юкланади. Айни ота-оналар ўз фарзандларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти тўғрисида, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва Қонуний манфаатлари ҳимоя этилиши ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддасида “Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар” деб белгиланган.

Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқи, мамлакат қонун ҳужжатларига мувофиқ, болалар манфаатларига зид равишда амалга оширилиши мумкин эмас. Оилада болаларни тарбия қилиш усуллари, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, менсинмаслик, шавқатсиз, қўполликдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомалада, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан ҳоли бўлиши керак.

Оила кодексига бола манфаатларини энг яхши тарзда таъминлаш принципи ҳам ҳисобга олинган. Бунинг учун ота-оналарга тегишли ҳуқуқлар, шу жумладан ўз фарзандини шахсан тарбиялаш ҳуқуқи берилган.

Бу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддаси билан ҳам кафолатланади. Лекин барча ота-оналар ҳам болалар тарбиясига маъсулият билан қараяпти деб бўлмайди. Сир эмаски, кўпчилик ота-оналар оилавий тарбия ишининг ўзига хос усулларида самарали фойдаланишга эътибор бермайди ёки билмайди.

Кўпчилик оилаларнинг бола тарбиясидаги тажрибаларини кузатиш ва ўрганиш материалларига таяниб оила тарбиясида йўл қўйилаётган хатоларнинг сабаби ҳақида қўйидагиларни айтиш мумкин.

Баъзи ота-оналар болалар тарбиясида жамиятимизнинг талабларини ҳисобга ола билмайдилар, шунингдек кўпчилик ота-оналар болаларга яхши тарбия бериш ниятида бўлсалар ҳам лекин бу ишнинг ўзига хос қонуниятларини билмайдилар. Айрим ота-оналар бола тарбиясидаги ўз бурч ва масъулиятларини тўла англамайдилар.

Албатта ота-оналар томонидан йўл қўйилаётган бундай хатолар эртага жамиятга носоғлом оилаларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Президентимиз И.Каримов “Албатта, сир эмас, ҳар қандай жамиятда, миллатда ичи қора, нафси бало табиатан тажавузкор ва зўравонликка мойил бўлган, керак бўлса, қотилликка ҳам борадиган кимсалар топилади. Шулар қаторида ҳамма нарсадан норози, аламзада, ўзининг ғаразли мақсадларини устун қўядиган кишилар ҳам кам эмас. Лекин, биз бир муҳим масалага алоҳида эътибор беришимиз зарур. Юртимизга қарши бундай тажовуз ва қўпоровчилик ҳуружларини ташкил қилиш нияти билан юрган кучларнинг тузоғига тушганларнинг аксарияти биринчи навбатда оилада ҳам, мактабда ҳам жиддий таълим-тарбия олмаган ёшлардир” дея таъкидлаган эдилар.

Ҳақиқатдан ҳам айрим оилаларда фарзандларга бефарқ, лоқайд қарашлар натижасида илм-маърифат, эзгулик ва яхшиликни тарраннум этувчи фарзандлар жоҳиллик, қабихлик, ўз она юртининг осойишта ҳаётга раҳна солувчи турли оқимларга эргашувчи ақидапараст бўлиб қоладилар.

Ёшларимизни шундай нохуш ҳолатлардан асраш учун авваламбор ҳар бир ота-она тарбиянинг ўзига хос назарий ҳамда амалий қонун қоидаларини ўзлаштириш, уларга амал қилиши лозим. Негаки оилада бола тарбияси ғоят нозик мурраккаб масала бўлиб, ота-онадан етарлича билим, катта тарбиячилик маҳоратини талаб қилади.

Шу билан бирга болаларда ижобий ҳулқ атвор кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг ўзига хос кўпгина метод ва усуллари борки, ҳар бир ота-она уларни билиши ва ҳар қайсисидан ўз ўрнида, меъёрида фойдалана билиши ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Булар жумласига ибрат наъмуна усули, яхши ҳулқ атворга ўргатиш, одатлантириш, ўрни келганда насихат қилиш, жиддий танбеҳ бериш, унга муносабатни ўзгартириш, ишонтириш, жамоатчиликнинг таъсири, рағбатлантириш ва қоралаш каби воситалар шундай методлардан ҳисобланади.

Шу қаторда оиланинг асосий вазифаларидан бири ёшларимизда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантириш ва Ватанимизга муносиб бўлган, ҳар томонлама етук ва баркамол, илмли, ақлли, комил инсонларни тарбиялаб вояга етказишдан иборат бўлиши шарт.

Ф.Ибраимова